

Халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда жиноят-процессуал қонун талаблари тўғри татбиқ этилгани учун суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 3 сентябдаги ажрими ҳамда шу суд раёсатининг 2010 йил 17 декабрдаги қарори билан ўзгаришсиз қодирилган, жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг 2010 йил 22 июлдаги ҳукмига кўра, У. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан 8 йил 10 ой, Жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суд ҳукмига кўра, У. 2008 йил давомида З., Т. ва бошқа жами 19 нафар фуқарони алдаб ва уларнинг ишончини суиистеъмол қилиб, 1.611.438.457 сўмлик жуда кўп миқдордаги пул маблағларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Республика Бош прокурори ўринбосари томонидан билдирилган протестда У.га оид жиноят ишини кўришда 1993 йил 22 январдаги **«Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»**ги Минск Конвенциясининг 66-моддаси ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 600-моддаси талаблари бузилгани учун унга нисбатан чиқарилган Тошкент шаҳар суди раёсатининг 2010 йил 17 декабрдаги қарорини бекор қилиб, жиноят ишини раёсатда бошқа таркибда қайта кўриш учун юбориш масаласи қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида У.га оид жиноят иши кўрилиб, қуйидагилар аниқланди.

«Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги 1993 йил 22 январдаги Минск

Конвенциясининг 66-моддаси ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 600-моддаси мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун уни ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жинойий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек, учинчи бир давлатга топширилиши мумкин эмас.

Конвенциянинг 56-моддаси 3-қисмида, шахс иккинчи давлатга олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган суд қарорини ижро этиш учунгина берилиши назарда тутилган.

Жиноят иши материалларига қараганда, У. муқаддам жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Қўқон шаҳар судининг 2008 йил 22 июндаги ҳукмига мувофиқ, Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, жазо муддати 2007 йил 30 августдаги амнистия актига асосан учдан бир қисмига қисқартирилган ва у тайинланган жазони ўтамаган.

У. томонидан содир этилган аввалги жиноят учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган бўлиб, Конвенция талабига кўра, бу турдаги жазони ўтаттириш учун ушлаб берилган давлатнинг розилигини олиш шарт эмас.

Шу сабабли У.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари қонуний деб топилиб, Бош прокурор ўринбосари томонидан билдирилган протест рад қилинди.

Назорат иши ЖСҲ-105-11